

ШАРТНОМАСИ

" 31 " Январь 2022 йил

Урганч шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хоразм вилояти АЙХББ номидан Низом асосида иш юритувчи Бош бошкарма бошлиғи **Ф.М.Садуллаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган **Гурлан ТЙФУК** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **М.Юлдошев** иккинчи томондан, **Давлат** ахамиятидаги эга бўлган автомобиль йўллари **кишки қаров** ишлари учун мазкур шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

Кишки қаров – автомобиль йўллари ва йул иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида киш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йул иншоотларининг иш режимлари буйича комплекс ишлар, автомобил йўлларини киш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кучкиларидан химоя қилиш, қордан тозалаш, кишки сирпанчик пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музгарчиликка қарши курашиш буйича ишлар ва тадбирлар;

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган **2022 йил 1 чорак** учун **кишки қаров** ишлари смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва бошқа харажатларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **24 000 000 (Йигирма тўрт миллион)** сўмни ташкил этади.

3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Мазкур шартнома буйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун: объектлар буйича дефект актларини тузиш, смета ҳужжатларини тайёрлаш, ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва усқуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектлардаги барча ишларни Ўзбекистон Республика Автомобиль йўллари давлат қўмитасидан томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметаларига мувофиқ амалга оширади;

кишки қаров майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди; мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолатини таъминлашиш учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмида бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

7. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. **кишки қаров** ишларининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

9. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади. Буюртмачи Бажарувчига шартнома буйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 5 мартдаги № 123-сонли қарори ва низомига асосан (режалаштирилган) ҳар ойда **40 фоиз** миқдорда аванс маблағ ўтказиши.

10. Бажарувчи мазкур шартнома буйича йил давомида объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

12. Буюртмачи объектда ўз вақилини - техник қузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-усқуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Бажарувчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник қузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача объектнинг ўзида қўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 26 кунига қадар Хоразм вилояти АЙХББ га топширади.

15. Бажарувчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси ҳисобланади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. КАФОЛАТЛАР

19. Бажарувчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Бажарувчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

20. Бажарувчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

21. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

22. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

23. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

24. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

25. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

БАЖАРУВЧИ

Хоразм вилояти АЙХББ	Гурлан ТЎФУК
Манзили: Урганч ш. Хива шох кучаси 1 км.	Манзили: Гурлан туман Мустақиллик -18
Тел/факс: 224-57-17	Тел/факс: 36-52-921
ш/хр: 304510860334017045172118001	М.х/р: 22626000600433791001
ИНН: 201715124 ОКОНХ: 97400	Банк: Миллий банк Урганч булими
Молия Вазирлиги Ғазначилиги	МФО: 00547 ИНН: 200420818
Банк: Марказий Банкнинг Тошкент ш. бош бошқармаси	ОКОНХ: 61129
х/р: 23402000300100001010 МФО: 00014	

М.ў.

Ф.М.Садуллаев

(Имзо)

(Ф.И.О.)

Х.Палванов

М.ў.

М.Юлдошев

(Имзо)

(Ф.И.О.)

